

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



2021 йил 5 сон



Бош муҳаррир: Наманган давлат университети ректори С.Т.Тургунов

Масъул муҳаррир: Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор М.Р.Қодирхонов

Масъул муҳаррир ўринбосари: Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Р.Жалалов

ТАҲРИРҲАЙЪАТИ

Физика-математика фанлари: акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., доц. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., проф. Б.Саматов, ф-м.ф.д., доц. Р.Хакимов, ф-м.ф.д. М.Рахматуллаев.

Кимё фанлари: акад.С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф.Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

Биология фанлари: акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц.А.Баташов, б.ф.н.

Техника фанлари: - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

Қишлоқ хўжалиги фанлари: – г.ф.д., доц. Б.Камалов, к-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

Тарих фанлари: – акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д, проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

Иқтисодиёт фанлари: – и.ф.д., проф.Н.Махмудов, и.ф.д., проф.О.Одилов.

Фалсафа фанлари: – акад., Ж.Бозорбоев, ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

Филология фанлари: – акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф.С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова. фил.ф.д.,проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н, доц.М. Сулаймонов.

География фанлари: - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф.А.Нигматов.

Педагогика фанлари: - п.ф.д., проф. У.Иноятов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф.Ш.Хонкелдиев, PhD П.Лутфуллаев.

Тиббиёт фанлари: – б.ф.д. Ғ.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

Психология фанлари – п.ф.д.,проф З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

Техник муҳаррирлар: Н.Юсупов, Г.Акмалжонова

Таҳририят манзили: Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

Тел: (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e- mail:** ilmiy@inbox.uz

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома га биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида ҳалқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 11.05.2021 йилдаги кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилиниб, илмий тўплам сифатида чоп этишга рухсат этилган (Баённома № 5). Мақолаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ-2021



- Наманган шаҳридаги энг кўркем кинотеатр, кўча, мактаб, маданият масканлари Машраб номи билан аталиши;
- НамДУ ахборот-ресурс марказида Бобораҳим Машраб ҳаёти ва ижодини ўрганиш хонаси ташкил этилганлиги;
- “Бобораҳим Машраб юрган йўллاردан” илмий экспедициясини ташкил этиш ҳақида изланишлар олиб борилаётганлиги.

Бобораҳим Машраб таржимаи ҳолини белгиланган тавсиялар асосида ўргатиш дарсинг сифат ва самарадорлигини оширишга, ўқувчилар адабиёт ва санъатнинг сеҳрли қудратини чуқур ҳис этишларига, мустақил-ижодий ишлаш кўникмаларининг ривожланишига, “Минг маънини бир нуқта билан мухтасар” эта олган сўз санъаткорига, ўзида “бир шоҳу, бир шоир ва бир девона” ликни мужассамлантирган комил инсон шахсига ҳурмат, муҳаббат, ифтихор туйғуларини тарбиялашга; уларда ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга муҳаббат, бурчга садоқат ҳисларининг камол топишига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ҳомидий Ҳ., Маъмуров М. Наманган адиблари. Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Фан” нашриёти, 2007. - 278 б.
2. Халилбеков А. Наманган адабий гулшани. Наманган, 2007. - 467 б.
3. Машраб. Девон. - Т.: “Шарқ”, 2019. - 464 б.
4. Адабиёт [Матн] 11-синф: дарслик-мажмуа / Б.Тўхлиев [ва бошқ.] , - Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2018. - 200б.
5. Машраб. Машраб шеърятидан (Тузувчи: А.Абдуғафуров; Редкол.: Ҳ.С.Сулаймонов ва бошқ. - Тошкент, 1979. - 127б.
6. Машраб, Бобораҳим. Меҳрибоним, қайдасан: Ғазаллар, мухаммаслар... (Нашрга тайёрловчи ва сўнгсўз муаллифи Ж.Юсупов). Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. - 416 б.
7. Бобораҳим Машраб. Тузувчилар: Ж.Раҳимов, А.Аҳмедов. Т.: “Ўқитувчи”, 1991.
8. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 5-жилд. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2003. - 704 б.
9. Охунов Э. Оташнафас шоир. Кўргазма - буклет. Наманган, 2005.
10. Меҳрибоним сен ўзинг. Шеърлар, мақолалар ва ривоятлар / Тузувчи: Э.Охунов. Наманган, 2006. - 56б.

ТАСВИРИЙ САНЪАТДА ПОРТРЕТ ЖАНРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Бабаджанов Ахмаджан Худойбердиевич,

Жумабоев Наби Пардабоевич

Гулистон давлат университети ўқитувчилари

nabi_jnp@mail.ru +998996421785

Аннотация: мақолада портрет жанрининг тарихи, ривожланиш дарвлари, тасвирий санъатдаги ўрни ҳақида сўз юритилган. Портрет санъати инсоннинг ташқи кўринишини ифода этиш билан бирга, унинг қиёфаси орқали маънавий қизиқишлари, дунёқарашини кўрсатиб бериши айтиб ўтилган. Портрет жанрида ижод қилган устоз рассомлар, уларнинг



машҳур асарларидаги афсонавий, лирик, психологик, инсоний ғазилатларнинг тўлақонли талқини тўғрисида маълумот берилган.

Калит сўзлар: портрет, автопортрет, миниатюрарий портрет, тимсолий-рамзий портрет, ҳиссиётли портрет, жанр, санъат, ижод, асар, расом, образ, характер, дунёқараш, критерия, Уйғониш даври.

РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ПОРТРЕТНОГО ЖАНРА В ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОМ ИСКУССТВЕ

Бабаджанов Ахмаджан Худойбердиевич,

Жумабоев Наби Пардабоевич

Преподаватели Гулистанского государственного университета

nabi_jnp@mail.ru +998996421785

Аннотация: В статье рассматриваются история жанра портрета, этапы его развития и его место в изобразительном искусстве. Также в статье отмечено, что искусство портрета, помимо выражения внешности человека, отражает его духовные интересы, мировоззрение через его образ. Мастера-художники, создавшие в жанре портретной живописи, получают информацию о полной интерпретации легендарных, лирических, психологических, человеческих качеств в своих знаменитых произведениях.

Ключевые слова: портрет, автопортрет, миниатюрный портрет, символический портрет, эмоциональный портрет, жанр, искусство, творчество, работа, художник, образ, персонаж, мировоззрение, критерии, ренессанс.

THE ROLE AND SIGNIFICANCE OF THE PORTRAIT GENRE IN THE VISUAL ARTS

Babadjanov Ahmadjan Khudoyberdievich,

Jumaboev Nabi Pardaboevich

Teachers of Gulistan State University

nabi_jnp@mail.ru +998996421785

Abstract: in the given article was analyzed the history of the portrait genre, the stages of its development and its place in the visual arts. In this article was also noted that the art of portraiture, in addition to expressing a person's appearance, reflects their spiritual interests and worldview through their image. Master artists who have created in the genre of portraiture receive information about the full interpretation of legendary, lyrical, psychological, and human qualities in their famous works.

Key words: portrait, self-portrait, miniature portrait, symbolic portrait, emotional portrait, genre, art, creativity, work, artist, image, character, worldview, criteria, Renaissance.

Тасвирий санъатнинг энг мураккаб жанри бўлган портрет жанри инсон ёки бир гуруҳ кишиларнинг ташқи қиёфаси тасвирланган асарлар киради. Ҳар бир портрет ўзида портретга олинган инсонгагина хос бўлган белгиларни ифода этади. Жанрнинг ўзини номи қадим француз сўздан келиб чиққан бўлиб “қандай белги бўлса, ўшандай тасвирлаш” деган маънони билдиради. Ваҳоланки, портретда ташқи ўхшашлик, портретнинг бадиий қимматини белгиловчи асосий критерия эмас. Портрет жанри инсоннинг фақатгина ташқи кўринишини ифода этибгина қолмасдан, балки унинг қиёфаси орқали ички кечинмалари, маънавий олами, кайфияти, дунёқараши, у яшаган даврнинг элементар хусусиятларни кўрсатиб беришни талаб қилади. Расом портрет



чизилаётганда инсонни фақатгина ўхшатишга эмас, унинг сиймосини матога туширишда ўзининг ижодий қобилиятларини ишга солиб, бадий композицион ечимини топган ижодий асар сифатида ёндошади. Портрет санъати бир неча минг йиллик узоқ тарихга эга. Қадимги Мисрда инсон қиёфасини тасвирлашда ҳайкалтарошларнинг ўрни бекиёс бўлган. Улар инсоннинг ички ҳиссиёти ва кечинмаларини кўрсатиб бермаган бўлсаларда, одам тасвирини ўзига ўхшатиб тасвирлашда етарлича аниқликка эришганлар. Қадимги грек уста ҳунармандлари худолар ва афсонавий қаҳрамонлар, шоир, файласуф ва машҳур шахсларининг образларини идеаллаштирган ҳолда тасвирлашга ҳаракат қилганлар. Бу билан улар ўзларининг гўзаллик ва нафосат оламига бўлган муносабатларини бадийлаштирган. Кескин инсоннинг психологияси ва характерини жуда аниқлик ва ҳаққонийлик билан ифодалаганлар. Қадимий Римда портрет ҳамда ҳайкалтарошлик санъати ўзининг жозибалилиги билан ажралиб туради. Рамзий ва тимсолий портретлар эрамиздан аввалги IV асрларда яратилгангани бизга маълум. Бу портретлар улар топилган жойнинг номи билан “фаюм портретлари” деб аталди. Европа санъатида ўрта асрларга келиб диний-мифологик образларга эътибор қаратилди, бир қатор рассомлар психологик жиҳатдан аниқ мазмунли портрет асарлари яратдилар. Булардан Наумберг шаҳри соборидаги графиня Ута ҳайкали, Прагадаги авлиё Вита соборидаги ҳайкал-портретларни келтиришимиз мумкин. Портрет санъатининг энг гуллаган даври Уйғониш даврига тўғри келади. Бу даврда санъат ва маданият энг гуллаган давр сифатида тарихда муносиб ўз жойини эгаллади. Барча соҳалар қатори тасвирий санъатда ҳам янги-янги машҳур рассомлар кашф қилинди. Улар ўз асарларида инсонни улуғловчи, унинг кадр-қимматини эъзозловчи асарлар яратдилар.

Улуғ италиялик рассом Тициан ижодида замондошлари шоирлар, файласуфлар, ҳукмдорларнинг портретларини яратди. Ўзининг ишланиш техникаси билан, ички кечинмалари, характери кўрсатиб берган автопортрети алоҳида ажралиб туради. Рассомлардан кичик Ханс Холбейн қаламига мансуб “Шарл де Моретта” портрети орқали кўтаринки кайфият, ўзига ишонч ва жасурлик ифода этилади. Европадаги рангасвир асарларида ҳиссиётли портретлар етакчи ўринни эгаллади. Бунда тасвирланувчини улуғлаш ва кўкка кўтариш ғояси илгари сурилди. Буюк голланд рассоми Рембрандт “Қария кампир портрети”да оддий бир инсон қиёфасида инсонийлик меҳру-саҳоватининг улуғ бойлик эканлигини кўрсатиб беради. Рембрандт ўзининг бошқа гуруҳ портретларида турли инсоний хусусиятлар, темперамент ва ҳиссиётлар ва характерини ўзининг “Сукон цехининг улуғлари” ёки “Синдиклар” асарида ифодалайди.

XVIII асрда портрет жанри рус санъатида ўзининг изчил ривожини топди. Бу даврга ижод қилган рассомлар И.Н.Никитин, Ф.С.Рокотов, Д.Г.Левицкий, В.А.Боровиковскийлар томонидан мураккаб, серқирра ва кўпёқлама, кўтаринки рухиятли, инсонни жунбушга келтирувчи, бадий образга тасвирланган портретлар яратилди. XIX асрнинг биринчи ярмида портрет санъатида асосий қаҳрамон сифатида орзули шахслар ифодаланди. Орзуманд ва қаҳрамона ҳаракатга мойил, юздаги табиийлик ва инсон гавдасининг тетик ҳолатлари О.А.Кипренскийнинг гусар “Е.В.Давидов портрети”да яққол кўринади. Романтик ишонч ва орзу, маънавий кучи ижодкорнинг “Кўлда альбом ушлаган автопортрети”да муҳрланган. 1860-1870 йилларда рус санъатининг демократик тарзда янгиланиши, реализмни дуёнга келиши, **кўчманчи**



рассомлар ижодида тўла-тўқис рангтасвирнинг ривожланишига катта туртки бериб юборди. Портретнинг алоҳида “портрет-тип” тури асосий ўринни эгаллади, инсон қиёфаси бу асарларда мураккаб психологик ҳолатларда тасвирланиб келинди, яъни унинг жамиятдаги роли баҳоланди, унинг ўзига хос бўлган алоҳида белгилари бири-бирини тўлдирган ҳолда кўрсатиб берилди. Бундай асарлар қаторига Н.Н.Генинг “А.И.Герцен портрети”, унинг кетидан В.Г.Перовнинг “Ф.М.Достоевский портрети” ва И.Н.Крамскойнинг “Л.Н.Толстой портрети” ва бошқа кўплаб замонасининг таниқли кишилари портретлари дунёга келди. И.Е.Репин инсонлардаги орзу-умидларнинг кучини катта темперамент билан “Н.М.Пирогов портрети”да кўрсатади ва у ўз моделларида бетакрор-конкрет, фақат уларгагина хос поза, ҳаракат, юз ифодаси ва улар орқали шахснинг маънавий хусусиятлари ва унинг социал ҳарактеристикасини топади. Ички кечинмалар, артистона вазоҳат “Актриса Е.А.Стрепетова портрети”да ифода этилган. Кейинроқ Г.Р.Ряжскийнинг “Раис”, Н.И.Струнниковнинг “Партизан”, М.В.Нестеровнинг “Академик И.П.Павлов портрети” номли асарлари ўз даврининг етук санъат асарлари қаторидан жой олди. Бу асарлари ўзининг инсон руҳиятига кучли таъсири орқали ўз аҳамиятига эга. Урушдан сўнгги йилларда халқ ҳаётини тасвирлашда, айниқса деҳқон юртдошларини қатор портретларида А.А.Пластов томонидан инсониятга хос бўлган, иродавий хусусиятлари ифодаланди. Кутилмаган композицион қизиқарли ҳолатлар, ранглارнинг ўзаро боғлиқлик ва контрастлари П.Д.Кориннинг ижодига хос хусусият бўлиб, унда характерларнинг ифодасини кўрсатиб беришга уринган, Т.Т.Салаховнинг “Композитор Қора-Қораев портрети” асари композицион яхлит уйғунлик ҳамда ички ечинмаларни юз қиёфасида кўрсатиб берилган.

Шарқ (Ўрта Осиё, Афғанистон, Эрон, Ҳиндистон ва бошқалар) миниатюра санъатида портретнинг нодир наъмуналари яратилган (масалан:Ризо Аббосий ва бошқалар ижодида). Жумладан, ўзбек портрет санъати ҳам бой тарихга эга. Бу санъат наъмуналари қадимги ва ўрта асрлар санъатида учрайди (масалан Юнон – Бақтрия, Хоразм, Кушон подшоларининг ҳайкал ва танга юзаларига ишланган бўртма тасвирлари), Амир Темур ва Темурийлар, Шайбонийлар ҳамда Бобурийлар даври санъати (Камолиддин Беҳзод, Маҳмуд Музаҳҳиб, Муҳаммаси Мурод Самарқандий ва бошқалар)даги миниатураларда маълум даражада тараққий этган. Нафис (мўъжаз расм) миниатюра тараққиёти давомида бир асар устида бир неча санъаткорлар ижодий ҳамкорлик қилган, кишилар қиёфаси, юзини тасвирловчи мусаввир номига Чехракушой (юзни очувчи) ёки чехра сўзи қошилган. Айниқса, Бобурийлардан Акбар ва Жаҳонгир даврида айрим шахслар тасвири билан бир гуруҳ (кўплаб аёнлар иштирокидаги) портрет яратиш тараққий этган. Ушбу портретлардан кейинчалик Европалик рассомлар (Рембранд, Ж.Рейнолдс ва бошқалар) маълум даражада ўрганган, илҳомланган. Миниатюрада ҳам портрет ишлаш Шарқ мусулмон мамлакатларининг амалий ва тасвирий санъати ўзининг тарихига эга. Буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод бир қанча машҳур шахсларнинг портретларини ишлаган. Улардан Султон Ҳусайн Мирзо портрети, Шайбонийхон портретлари маълум ва машҳурдир. Ҳозирги кунда Британия музейида нодир асар сифатида сақланаётган Бобур портрети ҳам машҳурдир. Маҳмуд Музаҳҳиб қаламига мансуб Алишер Навоий портрети уста мусаввирнинг юксак маҳоратидан дарак беради. Бу асар ҳозирда Техрондаги Шаҳаншоҳ кутубхонасида сақланиб келинмоқда. Ҳиндистонда яшаган ҳамюртимиз уста мусаввир Мурод Самарқандийнинг ҳам Шоҳ



Жахон ҳамда Аврангзеб портретлари ва ўзининг автопортрети бадиий дид ва юксак маҳорат билан ишланган миниатюравий портретдир. XX асрнинг иккинчи ярмида ўзбек портретчи рассомларидан Лутфилла Абдуллаев, Абдулҳақ Абдуллаев, Раҳим Аҳмедов, Малик Набиев, Зокир Иноғомовлар самарали ижод қилдирлар. Л.Абдуллаевнинг “Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов”, “Йўлдош Охунбобоев портрети” номли асарлари реал рангтасвирнинг моҳирона ишланган гултожи ҳисобланади.

А.Абдуллаев илк ўзбек миллий портретчи устоз рассомларидан бири. Ўзбекистон тасвирий санъатида ўзининг юксак ижоди билан мазмунли ва сермахсул ижод қилди. “Аброр Ҳидоятот Отелло ролида” асари орқали Отеллони ўйчан боқиши, гавда ҳаракати портретга романтик кўтаринкилик руҳини бахш этган. Унда юз ифодаси психологик ҳолати моҳирона тасвирланган. “Ойбек портрети” асари орқали муаллифнинг чуқур маънога эга сара асарларидан бири ҳисобланади. Рассом “Ойбек портрети” да ўзбек буюк адибининг характери ва ички ҳиссиётларитўлақонли очиб берилган. Рассом ўз асарида инсоннинг ички кечинмаларини қиёфасида тасвирлабгина қолмай, барча эгзу инсоний ҳислатларини, фазилатларини, психологиясини ёритиб бериш орқали буюк ўзбек ёзувчисининг жонли образини ярата олди.

Раҳим Аҳмедов қаламига мансуб “Сурхандарёлик аёл”, “Она ўйлари”, “Дехқон” каби асарларида инсон образини, унинг ички кечинмаларини ҳамда ҳис-туйғуларини, юксак орзуларини ва гўзал инсоний қалбини очиб беришга ҳаракат қилган ва бунинг уддасидан чиқа олган.

Малик Набиев ўзбек тасвирий санъати дарғаларидан қаторида тириклигида ўзига хайкал қўйган ижодкор сифатида тарихда қолди. Рассом асарларининг аксарияти портрет жанри бўлиб, у асарларида ўз замондошлари билан бир қаторда буюк тарихий алломалар образини яратиш устида кўп йиллар сермахсул ижод қилган ижодкор ҳисобланади. Унинг қаламига мансуб “Беруний портрети”, “Амир Темур” портретлари тарихий шахсларга ишланган портретлар ичида ўзига хос аҳамият ва қимматга эга.

П.П.Беньков Ўзбекистонга келган вақтда юртимиз манзаралари, инсонларнинг меҳр-оқибатларига, тарихий биноларимизнинг юксак дид билан ишланган композициялари ҳамда колоритнинг ёрқинлигини кўриб ҳайратда қолган. Шу ҳиссиётларни ўз асарларида акс эттирган. Унинг портрет жанрида ишлаган асарларидан “Қаҳрамоннинг онаси”, “Жангчига совға”, “Бозор”, “Лаби-ҳовуз”, “Шоҳи-зинда” каби асарларида инсонлар ички кўчинмалари, ҳис-туйғуларини моҳирона акс эттирган. “Миллий кийимдаги татар қизи портрети”, устоз рассомлардан С.Абдуллаевнинг “Генерал Собир Рахимов портрети”, Б.Жалоловнинг “Комил Ёрматов портрети”, “Рақснинг туғилиши” каби асарларида ҳам ўзига хос услуб сезилиб туради.

Юқорида номлари келтирилган устоз рассомларнинг тасвирий санъатнинг портрет жанрида яратган асарлари бир умрга арзигулик санъат асарлари сифатида халқимиз қалбида мангу қолади, тарих ва келажақни узвий боғлаб туради. Уларни хотирасини доимо эсда тутиш учун хизмат килади, қолаверса бу инсонлар ятатган асарлар ушиб келаётган ёш авлод учун битмас-туганмас хазинадир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жаборов. Рангшуносликка оид айрим атама ва ибораларнинг изоҳли луғати. Т.: 2001 й.
2. Б.Орипов. Тасвирий санъатни ўқитиш методикаси. Н.: 2007 й.



3. Р.Ҳасанов. Тасвирий санъат асослари. Т.: Ғ.Ғулом. 2009 й.
4. Н.Абдуллаев. Санъат тарихи. 2-жилд, 1-китоб. Т.: Санъат. 2001 й.
5. А.Замошкин. Художники Средней Азии. "Искусство". М.: 1949 г.
6. Б.Веймарн. Искусство Средней Азии. М.: Искусство. 1940 г.
7. А.Эгамбердиев. Жанровая Живопись Узбекистана. Т.: Ғ.Ғулям, 1989 г.
8. Н.Абдуллаев. Санъат тарихи электрон ўқув қўлланма. Т.: 2005 й.

ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА "ҲУҚУҚШУНОСЛИК" ФАНИНИ ЎҚИТИШГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ.

Омарова Гавҳар Садиковна

Бухоро давлат университети мустақил тадқиқотчиси

gavharomarova1987@gmail.com

Аннотация: Дидактик ўйинларни лойиҳалаштиришда ўқитувчи учун ҳуқуқий таълим жараёни асосий манба сифатида хизмат қилади. Анъанавий таълим жараёнидан фарқли ўлароқ, дидактик ўйинли дарс жараёнлари ўқувчилар учун ҳам ўзининг аниқлиги ва тушунарлилиги билан нисбатан устунлигини асослайди.

Калит сўзлари: Ҳуқуқий таълим, педагогик технология, тренинг, интерфаол услуб, режалаштириш, дидактик ўйин, ҳуқуқий маданият.

НОВЫЙ ПОДХОД К ПРЕПОДАВАНИЮ "ЗАКОНА" В СРЕДНЕМ СПЕЦИАЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ

Омарова Гавхар Садыковна

Независимый исследователь Бухарского государственного университета.

gavharomarova1987@gmail.com

Аннотация: В процессе обучения при использования дидактических игр, учащихся не только просто учат правоведение. Этот способ требует понятия слова "правоведение", но и направляет в правильный путь его понятиям. Если учащихся правильно понимает, уважает их требования, то он будет стараться не нарушать закон. Образование в сфере правоведения для педагога считается основным документом, для планирования дидактических игр.

Ключевые слова: правовое образование, педагогические технология, тренинг, интерактивные методы, планирование, дидактические игра, правовая культура.

A NEW APPROACH TO TEACHING "LAW" IN SECONDARY SPECIAL EDUCATION.

Omarova Gavhar Sadikovna

Independent researcher at Bukhara State University

Annotation: During training in the use of Didactic game, students not only learn simple jurisprudence. This method requires the concept of the word "Law", but in the correct way forward his ideas. If a student understands and respects their demands, he will try not to break the law. Education in



	quality of independent education"	
	Raimjanova N. I	459
94	Advantages of teaching in a virtual information environment and the role of the teacher	
	Mamadjanova S.V, Djurayev I.I	463
95	Ratsional balanslashtirilgan ovqatlanishning biokimyoviy asoslari.	
	Mirzayev S., Turg'unov A . Xamidov Sh.	468
96	Boshlang'ich sinf matematika darslarida zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalanish	
	Abdulxayev A	472
97	Миллий ва замонавий тенденциялар асосида амалий санъатни ривожланишида риштон кулолчилик мактабининг ўрни	
	Абдуллаев А.Х	476
98	Solidworks дастури ёрдамида "материаллар қаршилиги" фанидан амалий масалаларни ечиш технологияси	
	Асраев З.Р	481
99	Об актуальности патриотического воспитания	
	Джуманазарова З	487
100	Essential strategies for teaching english language learners	
	Diyorova M. Sh	492
101	Uzluksiz ta'lim tizimida umumiy fizika kursining "elektromagnetizm" bo'limini o'qitish holati va muammolari tahlili	
	Azzamova N. B	495
102	Замонавий таълим самарадорлигини таъминлашда ўқув автономиясини жорий қилишнинг аҳамияти	
	Сиддиқов И. Б	501
103	Мактабгача ёшдаги болаларнинг тафаккур ва нутқини ўстиришда мумтоз адабиёт намуналарининг ўрни	
	Исабаева А.Ю	505
104	Chet tillarni o'qitishda madaniyat va kommunikativ kompetensiya	
	Isanova Z.Sh	511
105	Oila va oliy ta'lim muassasalari hamkorligida talabalarning hushyorlik va ogohlik fazilatlarini rivojlantirishning ijtimoiy pedagogik jihatlari	
	Mavlonov B.B	516
106	Бобораҳим Машраб Таржимаи ҳолини ўргатишда ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланиш	
	Абдуллаев К.А	522
107	Тасвирий санъатда портрет жанрининг ўрни ва аҳамияти	
	Бабаджанов А.Х, Жумабоев Н.П	529
108	Ўрта махсус таълим тизимида "ҳуқуқшунослик" фанини ўқитишга янгича ёндашув.	
	Омарова Г.С	534
109	Эшитишида нуқсони бўлган болаларнинг эшитиш идрокини ривожлантириш бўйича коррекцион педагогик иш мазмуни	